



**TURKIY FILOLOGIYANING DOLZARB  
MASALALARI, NAZARIYA VA  
INNOVATSION TA'LIM  
TEXNOLOGIYALARI**



**XALOARO ILMIIY-AMALIY  
KONFERENSIYA**

**MATERIALLARI TO'PLAMI**

**NUKUS – 2021**

<b>Allambergenov H., Karimboyeva D.</b> Shodmonqul Salom ijodida ota obrazi.	425
<b>Zeynalh J.E.</b> Yaşar Kamalin "Inçə Məməd" romanında realizm	428
<b>Davlatmurodov I.</b> Yangi davr hikoyachiligida shaxs konsepsiyasi badiiy talqini	433
<b>Latipova Sh.B.</b> Ne'mat Aminovning "Qassob boboning iti" hikoyasida davr illatlari tasviri	437
<b>Mátekov A.</b> Janrlar kesispesindegi janr (Sh.Usnatdinov dóretiwshiligi misalında)	440
<b>Əlimbaev A.E.</b> Ədebi mұra – ruhani jaңғыру neгізі	444
<b>Бойсинов С.С.</b> Инсоний фазилатлар тарғиботида "Қутадғу билиг"нинг ўрни	449
<b>Расулмухамедова Д.З.</b> Туркий халқлар адабиёти ва унда Навоий ижоди	454
<b>Балтаева З.</b> Эркин Воҳидов шеърлятида шаклий изланишлар	457
<b>Дўстова С.С.</b> "Тазкирани шуаро"да Феруз ҳаёти ва ижоди	459
<b>Салаев Р.Ф.</b> Абдурауф Фитрат ва ўзбек арузшунослиги	463
<b>Хасанов Х.</b> Тарихий романда инсон иродасининг поэтик талқини	467
<b>Matjanov Sh., Baltabayeva D.</b> She'riyatda shoir shaxsiyati va lirik qahramon talqini	472
<b>Бобожонов F.O.</b> Навоийнинг «балоғат илми»даги устозлари	475
<b>Жуманиязов Д.Қ.</b> Сирожиддин Саййид фардларида гоёвийлик ва фалсафийлик	480
<b>Қодирова P.C.</b> Абдулла Орипов шеърляти Нўъмон Раҳимжонов нигоҳида	484
<b>Сапарова А.</b> Анвар Обиджон шеърлятида образлилик	488
<b>Досжанова Г.</b> Сирожиддин Саййид шеърлятида тўртлик шеърлий шакллар ва мумтоз поэтик аңъаналар	492
<b>Бўронова Б.М.</b> Бадий асарда макон ва замон билан боғлиқ масалалар	498
<b>Ergashev M.U.</b> Isajon Sultonning „Shamolli kecha“ asarida roviylik	503
<b>Allabaýew G.</b> Döwletmämmet Azady we Magtymgulynyň döredijiliginde ylym we alymlar hakynda ideýä birligi	507
<b>Azilova Z.G.</b> Qoraqalpoq adabiyotida esse janri evolyutsiyasi	510
<b>Imomova R.A.</b> Rauf Parfi she'riyatining obrazlar olami	515
<b>Xo'shboqov F.</b> Abdulla Oripov poetikasining o'ziga xosligi	519
<b>Danaboyeva M.</b> Qahramon va davr fojiasi talqini (Said Ahmadning "Sarob" hikoyasi misolida)	524

5. [https://massaget.kz/mangilik\\_el/47766](https://massaget.kz/mangilik_el/47766)

## ИНСОННИЙ ФАЗИЛАТЛАР ТАРҒИБОТИДА “ҚУТАДҒУ БИЛИГ”НИНГ ЎРНИ

**Бойсинов Соҳибжон Собирович,**

*Жиззах давлат педагогика институти катта ўқитувчиси,  
sokhibjonb@gmail.com,*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада “Қутадғу билиг” дostonида инсон камолоти масаласига доир билдирилган фикрлар юзасидан мулоҳаза юритилган.*

**Калит сўзлар:** *“Қутадғу билиг”даги масалалар, одоб- ахлоқ, ўғитлар, инсоннинг инсон учун яшashi, эзгу кишининг фазилатлари.*

“Қутадғу билиг” дostonини яратар экан, муаллиф ўз олдига қорахонийлар давлати ҳокимиятини мустаҳкамлаш, Тавғачхон билан Элоқхонлар ўртасидаги ихтилофларни бартараф этиш, ҳукмрон донраларнинг турли ижтимоий табақаларга муносабатини белгилаш, маърифатчилик ва ободончилик учун кураш, яхши хулқ-одобни тарғиб қилиш каби мақсадларни қўйган. Бу билан Юсуф Хос Ҳожиб ўз даврининг йирик маърифатпарвари ва донишманди сифатида гавдаланди.

Асарда тилга олинган масалалар кўлами шунчалик кенги, уларни оддийгина санашнинг ўзиёқ бир неча саҳифаларни ташкил этади. Бу ерда айрим сарлавҳаларни келтириш билан кифояланамиз: Баҳор мадҳи; Етти сайёра ва ўн икки бурж ҳақида; Инсон фарзандларининг қадри билим ва тафаккурдадир; Тилининг фазилат ва манфаатлари ҳақида; Китоб эгасининг узри; Билим ва укувнинг фарқи ҳақида ҳикоя қилади; Ойтўлдиннинг эликга бахт ҳақидаги ҳикояси; Кунтуғди элик Ойтўлдига Адолат ҳақида ҳикоя қилади; Ўгдулмиш эликга бек (лашкар бошлиғи, ошпаз, хазиначи, эшик оғаси, элчи, дастурхончи...) қандай бўлиш кераклигини сўзлайди; Ўғил ва қизлар тугилса уларни қандай тарбиялаш лозимлигини айтади; Меҳмонга борганда ўзини қандай тутиш кераклигини сўзлайди; Адолатга адолат, одамгарчиликка одамгарчилик билан жавоб бериш ҳақида гапиради; Ўтган йиғитликка афсус ва

қарилмасдан инсоят; Вақтнинг бебаҳолиги ва дўстларнинг бевафолиги ҳақида; Китоб эгаси Юсуф Хос Ҳожибнинг ўз-ўзига уғитлари...

“...Кўриниб турибдики, “Қутадғу билиг”да тилга олинган масалаларнинг камрови кенг. Аммо унда битта бош масала борки, шу масала бутун асар бўйлаб юзлаб ип бўлиб утади ва асарнинг яхлит бир бутунлигини таъминлайди. Бу – Инсон масаласидир”. [Б.Тўхлиев, 1990. 21-22 бет]

Инсоннинг моҳияти, унинг ҳаётдаги ўрни, ижтимоий вазифаси шоир томонидан турли йўналишларда таҳлил этилади. Лекин бу йўналишларнинг ҳаммаси бирлашадиган бир нуқта борки, у ҳам бўлса инсоннинг инсон учун яшashi, инсоннинг инсоният учун хизмат қилишидир:

Кишилар ора. Кўр, киши ул бўлур,

Онингдин кишилар осилар бўлур.

(Кишилар орасида (ҳақиқий) киши шу бўладики,

Ундан (бошқа) кишилар манфаат топади). -

дейди шоир.

Шу улуғ ниёт билан яшаган шоир бошқалар манфаатини ўйламасдан, ўзининг тор шахсий мақсадлари орасида кўмилиб қолганларини тириklar қаторига қўшмайди, уларни тўғридан-тўғри “ўлик” деб атайд:

Тирик ялингуж ўзли тўсулган керак,

Тўсулмас киши тутса, ўлган керак.

(Тирик одам боласи фойдаси тегадиган бўлиши керак,

Фойдаси тегмайдиган киши тутилса, ўлган (бўлиши) керак, яъни ўлгани яхшироқ).

Шоир демокчики, инсон туғилгани кимгадир фойдаси тегадиган бўлиб улгайиши, фойдаси тегмайдиган бўлса у ўлик билан тенглигини уқтиради.

Асарда қомил инсон ҳақида гап борар экан, қамолотнинг қатор белгиларига тўхталинади. Бу инсоннинг бошқалар ғами билан ҳам яшай олиши, кўпчилик манфаати учун фидойи бўла билишидир:

Кишига тўсулғу керак бу тирик,

Тирик тутса отин, кўпурса эриг.



(Тирок (жон) одамларга фойда келтириши керак,  
(Токи) отини тирок тутсинлар, кишини улугласинлар).

Худди шундай одам эзу киши дейилишига лойиқдир. Эзу кишининг  
фазилятлари фақат яхшиликка бўйсундирилган бўлади:

Ақиллик, кишилик, осиг, эзулуг

Бу эзу кишидин келир белгулуг.

(Саховат, одамгарчилик, наф ва эзуликлар

Эзу кишилардан келади, бу аниқ).

Эзу киши бўлиш учун, эзу фазилятлар билан зийнатланиш учун қатор  
шарт-шароитлар талаб қилинади. Уларнинг биринчиси билимдир. Шоир бутун  
асар давомида билим ҳақида фикр юритади. Асар қахрамонларининг билимга  
бўлган муносабатини алоҳида таъкидлайди.

“Қутадғу билиг”да билим ҳақида алоҳида боб мавжуд. Бу боб “Билиг  
укуш адримни, асгин аюр” (“Билим ўқув-идрок фарқини, нафини айтади”) деб  
номланган. Бу бобда билимсизлик қоронғи зулматга, билим эса шу зулматни  
ёритувчи машъалага ўхшатилади. Билимнинг асосий хусусияти киши учун  
фойдали эканлигида, унга кадр-қиммат, ҳурмат ва эҳтиром келтиришида, деб  
билиди шоир:

Укушун агар ул, билигин бедур,

Бу икки била эр агирлик кўрур.

(Ўқув-идрок билан (киши) юксалади, билим билан улғаяди,

Бу иккиси туйғайли эр қадрланади).

Шоир билимга юксак баҳо беради, уни кўкларга кўтаради. Ўз фикрининг  
китобхонага тез ва осон сингиши учун турли поэтик санъатларни ишга солади.  
Шу мақсадга бўйсундирилган поэтик санъатларнинг бири ўхшатишдир. Шоир  
билимни кимё, ипор, бойлик, киши, кийим, емиш каби нарса-ҳодисаларга  
қийслайди. Булар шоир фикрининг реалликка айланишида муҳим бадий-  
таъсирий восита бўла олган.

Асарнинг бадий структураси тамомилан ўзига хос бўлиб, туркий  
адабиётдаги бир қатор шеърый жанрларнинг шаклланиш йуллари ва



тараққонётини кузатиш учун дастлабки муҳим ёзма манба ролини ўтайдди. Бу масаланинг ҳал этилиши, ўз навбатида, адабиёт тарихининг бир қатор масалалари билан ҳамбарчас боғлиқ. Шу маънода туркий адабиётдаги тўртлик шаклининг шаклланиши, поэтикасига эътибор, айниқса, муҳимдир.

Биз бу борада олиб борилган қатор тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда асардаги тўртликларни яратишда муаллиф қандай мақсадларни кўзда тутишнинг хусусида тўхталишни лозим деб топдик. “Қуталғу били”даги тўртликлар ўз маъносига кўра, асосан, фалсафий-дидактик характерга эгадир. Бу ҳолни муаллифнинг тўртлик яратишда тажвислардан фойдаланишида ҳам очиқ-ойдин кўришимиз мумкин:

Қамуг нанга вақт ул кун **белгулуг**,  
 Нафас, тин тўқурка сани **белгулуг**.  
 Йил, ай, кун кечартег тириклиг кечар,  
 Кечар кун кечургай сени **белгулуг**. [4,326]

Бир қарашда радиф бўлиб кўринадиган “белгулуг” сўзи шу ўринда тажвисдир. Дастлабки байтда у чиндан ҳам радиф вазифасини адо этади: у ерда “белгилик”, “белгиланган” каби маъноларни англатади. Аммо охириги мисрада у “шубҳасиз”, “албатта” каби сўзлар ўрнида қўлланган. Буни байтнинг ҳозирги тилимизга ўтирилган ҳолатида аниқроқ тасаввур этиш мумкин:

Барча нарсанинг вақти-соғти ва кун **белгиликдир**,  
 Нафас ва тин олишнинг сони **белгиликдир**.  
 Йил, ой, кун ўтганидек тириклик ҳам ўтади,  
 Ўтаётган кунлар сени ҳам **албатта** ўтказди.

Тўртликларда тажвиснинг тасодифий эмаслигини кўрсатиш учун яна бир мисол келтирайлик:

Тили ялган эрининг жафа қилиш ул,  
 Жафа қимда эрса ушул **йилки** ул.  
 Қиши йалганинда тилама вафа,  
 Бу бир сўз синамини ўқуш **йилки** ул [4,337]

